

# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2019 йил  
27 июль

ШАНБА

№ 58 (13215)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## КАРТОШКАЧИЛИК:

## ИЗЛАНИШ, ИМКОНИЯТ, ИСТИҚБОЛ



Республика бўйича қалладан бўшаган ерларнинг 43 минг гектари, шу жумладан, вилоятимизнинг 13 минг 910 гектар майдонида тақририй экин сифатида картошка экиш режалаштирилган. Агар режадаги бу иш тўлиқ бажарилиб, кўзланган ҳолини олишга эришилса, бозорларда картошка нархи меъёрга бўлиши аниқ. Шунингдек, етиштирилган маҳсулотларнинг маълум қисми экспорт ҳам қилинади.

2

## Кучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролар йиғинлари раисларининг малакасини ошириш бўйича минтақавий ўқув-семинарлари Тошкент вилоятида ҳам давом этмоқда. Жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловида Тошкент вилоятида мавжуд мингдан ортиқ маҳаллаларнинг қарийб ярмида аввал тизимда фаолият юритмаган янги раислар сайланди.

## БУГУНГИ КУН МАҲАЛЛА РАИСИНИНГ ВАЗИФАСИ, УЛАРГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБ ҲАМ БОШҚАЧА

Маҳалла раислари, айниқса, янги сайланган раисларнинг ижтимоий-сиёсий билимини ошириш, соҳага оид ҳуқуқий нормалар билан таништириш, одамлар билан ишлаш малакасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоятнинг 3 та минтақасида ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Маҳаллалар азалдан миллий қадриятлар ўчоғи, улкан ҳаётий мактаб, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик маскани бўлиб келган, дейди Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Отабек Аноров. Айни пайтга келиб, дунёда ўхшаш бўлмаган мазкур ноёб институт халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айланмоқда. Аҳамият қаратадиган бўлса, бундан 10-15 йил олдинги маҳалла раислари билан бугунги кун маҳалла раисларининг фаолияти бир-бирдан фарқ қилади. Бугунги кун фуқаролар йиғини раисининг вазифаси ва унга қўйилган талаблар, шунга ҳамоҳанг тарзда раисларга берилаётган ваколатлар кўлами ҳам кенгайди. Ўз ўзидан бу раисларимиз зиммасига қўшимча масъулият юклайди. Улар маълум ҳудуд йўлбошчиси сифатида ҳуқуқий саводхон бўлиши талаб этилади. Айни шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бу каби ўқув-семинарларнинг ўтказилиши айтиш мумкин бўлмоқда.

Икки ҳафталик ўқув машғулотли 16 йўналишга ажратилган бўлиб, 42 та мавзунини қамраб олади. Маъруза, суҳбат, семинар-тренинг, савол-жавоб ва қатор интерфаол усулларда ўтказилаётган машғулотларда маҳаллалардаги энг долзарб, аҳоли муҳим ҳаётларида кўтарилаётган муаммолари масалаларни таҳлил қилиш, ҳолига қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини етказиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш ҳусусида зарур тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда.

Айни пайтда вилоятда 1 минг 29 та фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Қолган ҳудудларда ўқув машғулотлари 29 июль 10 август кунлари ташкил этилади.

Азизбек ХУДОЙҚУЛОВ,  
ЎЗА

## СУВ КЕЛТИРГАН – ЭЛДА АЗИЗ

"Вилоятда аҳолининг атиги 64 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминлангани жиддий муаммо. Бу – ҳисобот кўрсаткичи. Амалда бу рақам 40-50 фоиз. Бўка, Куйичирчиқ, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари ва Нурафшон

шаҳрида 30 фоизга ҳам бормайди. Шундай шароитда раҳбарлар қандай қилиб кабинетда хотиржам ўтиради", – деган эди давлатимиз раҳбари жорий йил 3 июнь куни Нурафшон шаҳрида ўтказган йиғилишида.

## Президент ташрифидан сўнг...

Мазкур йиғилишда кўтарилган муаммоларни ҳал этиш учун жорий йилда 440 километр ичимлик суви тармоқлари ва 301 та сув иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Бунинг учун Осиё тараққиёт банки иштирокида 144 миллион АҚШ долларлик лойиҳанинг биринчи босқичи доирасидаги ишлар бошлаб юборилди.



– Маҳалламиздаги 561 хонадонда 2 минг 81 киши истиқомат қилади, дейди Нурафшон шаҳридаги "Қумариқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комилжон Маражабов. – Шу хонадон-

ларнинг биронтасига ҳам стандартларга тўлиқ жавоб берадиган тоза ичимлик суви кириб бормаган эди. Баъзи оилалар маҳалланинг бошидаги катта қудуқдан, қолганлар ҳовлисида-

ги 8 метр чуқурликдан чиқади-ган артезиан сувидан ичишга мажбур эдилар. Албатта, бу сувнинг тозаллигига ҳеч ким кафолат бермасди. Аммо, бори шу эди...

2

## МАҚСАД – ДАРОМАД ТОПИШ

### демак, ҳаракат ҳам шунга яраша

Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик бошланди. Буни юракдан ҳис этган Ўртачирчиқ туманидаги "Мирзакаримов Тешабой ота" фермер хўжалиги раҳбари Тешабой Мирзакаримов учун жорий қишлоқ хўжалиги мавсуми меҳнат ва синовларга тўла бўлапти.

### Ўза парваришида зарбдор 40 кунлик

Ёмғирли баҳор пахтини экиш ва донли экинларнинг пишиб етиш муддатларида ўзгаришларни келтириб чиқарди, аммо Тешабой ака қишлоқ

хўжалигини ривожлантириш босқичидаги бой тажриба ва билимга эгалиги туфайли қи-йинчиликларни енгди.

2



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Нуктаи  
назар

## Сайёр қабуллар: Мен гапирмай, сиз эшитманг...

"... туман марказида мамлакат олий раҳбариятининг бир гуруҳ вакиллари халқ билан мулоқот ўтказди. Сайёр қабулда улар билан бирга маҳаллий миқёсдаги давлат ва жамоат ташкилотлари, банк ва молия муассасалари, коммунал-хўжалик идоралари, ҳудудий секторлар раҳбарлари ҳам ҳозир нозир бўлдилар. Сайёр қабулда аҳоли муаммолари тингланиб, уларнинг аксари жойида бартараф этилди, қўшимча вақт ва ўрганиш талаб этадиган масалалар алоҳида назоратга олинди..."

Бу жумлалар сизга танишми? Тўғри топдингиз – бу кунда-кунора теле ва радио эфирлари тўлдираётган, матбуот саҳифаларини эгаллаётган, ижтимоий тармоқлару телеграмм каналларини безаётган жойлардаги сайёр қабулларнинг таассуроту тафсилотлари баён этилган, бирда ҳиссиз, бирда ҳовлиқа ахборотларнинг "бисмиллоси"дир.

Албатта, сайёр қабулларнинг бўлгани яхши. Бу давлат раҳбарининг азму қаро-ри билан ижро ҳоқимияти ва бошқа бош-

қарув органларининг халқчил тузилмага айланишида катта ёрдам берапти. Аммо... кейинги вақтларда сайёр қабулларда кузатилаётган, айтиш жоизки, гапга тегадиган айрим жиҳатлар борки, назаримизда, бу ҳақда дўппини ерга қўйиб мулоҳаза юритсак, фойдадан ҳоли бўлмайди...

### "Хўжам кўрсин..."

Бир ижодкор сифатида доим "показу-ха"дан қаттиқ жирканиб келганман. "Хўжам

кўрсин" қабилида ишлашга қаршиман. Халқ қабулхоналари аҳоли билан мулоқотни ташкил этувчи куч сифатида намоён бўлар экан, авваламбор, кўзбўямачиликка қарши курашиши керак. Амалда эса, ҳар доим ҳам бундай бўлмайпти. Муаммоси аввалдан ҳал бўлган ёки ҳал бўлиши ҳали номаълум бўлган фуқароларни телевидениедан ташриф буюрган мухбирлар қар-шисига келтириб, объективга бўлбўлдек сайратишлар борлигига нима дейсиз?

Давоми 2-бетда

## «Биз Қўқонга борамиз!»

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда хунармандчиликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, жозибдор ва гўзал буюмларни яратётган халқ амалий санъати усталари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шу йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган "International Festival of Handicrafters Kokand – 2019" халқаро фестивали бунинг яққол исботидир. Ушбу нуфузли анжуманда дунёнинг 100 га яқин мамлакатидан хунармандлар иштирок этиши кўзда тутилган.



INTERNATIONAL FESTIVAL OF HANDICRAFTERS  
KOKAND – 2019

## ЮРТИМИЗ ДУНЁ ХУНАРМАНДЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

– Бу каби йирик халқаро анжуман мамлакатимизда илк бора ўтказилмоқда, дейди "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи Динмуҳаммад Машарипов. – Дунёнинг турли бурчакларидан келган гўзаллик ва нафосат шинавандларини лол қолдириш орқали ҳудудимизнинг обрўйини янада ошириш мақсадида 2 мингдан ортиқ хунармандлар орасида танлов ўтказдик. Катта масъулият ва фаолликни талаб қилувчи жараёнга таниқли мутахассис ва экспертларни жалб этдик. Натижада, 60 та эътирофга сазовор халқ усталари танлаб олинди. Улар орасида қўли гул тикувчилар, каштачилар, заргарлар, ёғоч ўймакорлари, терига, металл ва ҳаттоки суякка ишлов берувчилар бор. Улар билан бирга миллий қўғирчоқ усталари, гиламдўзлар, қулоллар, миниатюрачилар, ҳайкалтарош ва зардўзлар ҳам Қўқонга йўл оладилар. Бу қўли гул ижодкорларнинг асарларига юқори баҳо берилишига шикангидилдан ишонамиз.

Асрлар давомида бизнинг ҳудудимиз ёғоч ўймакорлари билан қўлларни лол этиб келган. Бугунги кунга келиб, ота-боболаримизнинг машҳур аъёналарини Зангиота туманилик Камолитдин Раҳматуллаев муносиб давом эттирмоқда. Ёғочга бадий ишлов бериш сирларини у отаси – Ўзбекистон халқ устаси Сирожиддин Раҳматуллаевдан ўрганган. Устанинг юксак маҳорати билан яратилган ёғоч конструкциялари айни

пайтда мамлакатимизнинг қўллаб меъморчилик обидаларини беэза турибди. Аҳойиб дид ва маҳоратга эга Камолитдин йил сайин янги усул ва шаклларни яратиб келмоқда. Унинг моҳир қўллари билан ҳусндор мебель жиҳозлари, устунлар, дарвозалар, эшиклар, айвонлар, равоқлар, столлар, хонтахталар, қутилар барпо этилган. Бекиёс шарқона безаклар туширилган лаганлар, сандиклар ва турли анжуманларни Россия, Германия, Япония ва Қозғистондаги хусусий коллекцияларда ҳам учратиш мумкин.

– Ёғоч – бу тирик ва ўзига хос материал саналди, дейди Камолитдин Раҳматуллаев. – У инсонга туҳфа этилган табиат инъомидир, агарда ёғочга етарлича меҳр берилса, у бетакрор гўзаллик билан жавоб қайтаради. Қўқон шаҳрига ўнлаб энг сара асарларимни олиб бораман. Уларни кўрган хорижлик меҳмонлар мамлакатимизда халқ амалий санъати юксак эътибор қаратилаётганига амин бўладилар.

Йиллар давомида "Хунарманд" уюшмасининг аззоси бўлиб келган Камолитдин Раҳматуллаев "Устоз-шоғирд" аъёналари асосида қўллаб давомчилар тайёрлади. Бугунги кунда улар ўзбек халқ амалий санъатининг равақига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири  
Мансур ХИММАТОВ  
олган сурат





Фуқаро айтиди: "Фалон муаммо ёки масала билан келувдим. Ҳозиргина раҳбар билан учрашдим, масалам ҳал бўлади, дейишди. Бахтлиман, раҳмат ва х.к."

Эртасига ойнаи жаҳонда ўша кўрсатув қарсиллаб эфирга кетади. Муаммоси ҳал бўлганидан шодумон одамлар, бахтиёр чечралар, бунга йўл қўйган айбдор давлат ҳокимияти вакиллари... Хуллас, кўрсатув гоёсига кўра, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳеч иш қилмаган, токи мана шу сайёр қабул бўлмагунча улар пашша қўриб ўтирган, Халқ қабулхоналари эса фавқуллодда чапдастлик, уддабуронлик билан масалани ҳал қилиб ташлапти...

Ҳўп, индамдик. Бирок, айнаи хижолатли аҳвол буюк адиб Абдулла Қодирийнинг машҳур таъбирини кўнгилга етаклаб келади: муаммони мана шундоқ ҳал қилиб ташлайдиган раҳбарларимиз борақану биз билмай юрган эканмиз...

Хулласи калом, дорогие друзья, давайте, покажуемни йиғиштирайлик, давайте, камера учун ишламоқни бас қилайлик.

### Танганинг учинчи тарафи

Сайёр қабуллар вақти ва соати, ўтказилиш жойи ҳақида аввалдан маҳаллий ОАВларда, ижтимоий тармоқларда эълон берилиши шарт. Афсуски, ундай қилинмапти. Нима эмиш, сайёр қабуллар ҳақида эълон берилса, одам босиб кетармиш...

Ие, акажон, сиз ахир одамлар билан ишлашга масъулмисиз ёки уларга чап беришга (дейдиган одам йўқ)? Қолаверса, қабуллардан қабулларга, мулоқотдан мулоқотга судралиб келаётган муаммоларни ҳам охири-оқибати ҳал қилиш ёки бўлмаса ҳал қилинмаслигини очиклаш шарт-ку!

Яна бир гап. Вилоятимизда

◀◀ Бошланиши 1-бетда

айни пайтда 20 дан зиёд турли йўналишларга ихтисослашган блогерлар шаклланди. Вилоятимиз журналистлари орасида ўз интернет аудиториясига эга ижодкорлар бор. Улар билан биргаликда ишлаш керак.

Масалан, Самарқанд, Фарғона, Наманган вилоятларида ўтадиган сайёр қабулларга, албатта, журналистлар, ижтимоий тармоқнинг машҳур фойдаланувчилари таклиф этилади. Улар ҳам бир-икки қабулдан сўнг, ҳоким ва бошқа мансабдор шахсларнинг вақтини олаётган, асабига уйнаб, ноқону-

## Сайёр қабуллар:

ний талаблар қўяётган, боқимандаликни касб қилган тоифага қарата ўз сўзини айтаяпти.

Мана бунга жамоатчилик назорати дейдилар, танганинг ҳар икки, ҳатто, учинчи тарафини кўрсата билиш дейдилар...

### Вақт бу — пул эмасми?

Сайёр қабул ҳақида маҳаллий аҳолини бир-икки кун аввал бохабар қилишининг яна бир жиҳати бор. Қабулга келувчиларга виртуал равишда навбатда туриш имкониятини тақдим қилиш мумкин. Бунинг учун туман ва шаҳар газеталари, уларнинг ҳошида очилган кўп минг кишилик телеграмм каналлари имкониятидан унумли фойдаланиш керак.

Охири-оқибат журналистлар ҳам Халқ қабулхоналари қилган ишни қилади — вазифа ва мақсадларида ўхшашлик, уйғунлик кўп.

Дейлик, бир фуқаро Халқ қабулхонасига телефон қилиб,

сайёр қабулга соат 09:00 га ёзилса, соат 11:30 га бошқаси келади. Агар сайёр қабул республика даражасидаги раҳбарлар иштирокида ўтса, уларнинг ҳар бир дақиқасига аввалдан режалаштирилган, қабулга ёзилган одамлар келиши, муножаатлар мазмунидан келиб чиқиб, тегишли раҳбар учун қабулга келувчилар рўйхати шакллантирилиши мумкин. Бунда фуқаронинг ҳам, раҳбарнинг ҳам вақти тежаллади.

Йўқ. Бизга ажиотаж керак. Одамла-а-ар ёпирилган, гавжум, камера объективидеа зўр манзара ҳосил қиладиган кадрлар

## Мен гапирмай, сиз эшитманг...

керак. Бунда энг хато англашилмовчилик шундаки, раҳбарлар ва одамларнинг кетказётган вақти ва асабига туپуриб қўйилган. Мухими кадр, манзара...

Тушунишимча, шу ишга ҳам социолог, политолог, IT мутахассис бирга ўтириб, "Сайёр қабулларни ташкил этишининг инновацион усуллари" номли қалин тадқиқот ёзиши керакка ўхшайди. Ишонинг, бу — сираям қулғили эмас. Қундай равшан манзарага бошқача ечим изламаслик керак — бу ҳолат бир одамга ёкиш истагининг (четдан қараганда) ҳуқуқ ва бачкана кўриниши, ҳолос...

Ҳошида эшитиб қоламиз — фалон вилоят ҳокими 8 соат қабул ўтказди, фалон вилоят ҳокими 6 соат халқ билан мулоқот қилди, деб мақтаб ёзишадди. Назаримизда, аслида ва-зиятнинг шундай экани ўша

жойда ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилмаганидан даракдир.

Сайёр қабулга ҳудудий Халқ қабулхонаси ташкил этган очик қабулформага навбатда турилса, дейлик, қабул вақти деган тушунчани жорий этиб, унинг 4 соат давом этишини аввалдан халққа маълум қилиш мумкин. Бу қабулга улгура олмаган фуқаро навбатдагисига ёзилади.

Тўрт соат давомида раҳбар камида 50 та одам билан суҳбатлаша олади. Бемалол. Ва... чарчайди, шундай чарчайдики... Муаммо ва масалаларга

дастлабки кайфият ва эъти-мод билан қарай олмайдди. Минг чиранса ҳам бунга биологик имконият йўқ.

Қисқаси, қабулни ташкил этишининг ҳозирги форматини мутлақо ўзгартириш керак... Умуман олганда, гап гоёсизлик, чиройли кўринган сохтакорлик ҳақида кетаяпти.

**P/S:** Куёнчак ҳамкасбимизнинг тахририятимиз электрон почтасига юборган мазкур мақоласи, албатта, унинг шахсий мулоҳазалари, замонавий блогерлик тилида айтганда — ИМХО. Бу борада кўпчиликнинг, шу жумладан, тахририятнинг нуқтаи назари ҳам бошқача бўлиши табиий, албатта. Бинобарин, бугун кучли фуқаролик жамияти фикрлар ва қарашлар хилма-хиллиги асосида шаклланади, ривож топади. Шундай экан, биз Сизнинг ҳам бу борадаги қараш ва кузатувларингизни йўллашингиздан умидвормиз, муҳтарам ўқувчи!

◀◀ Бошланиши 1-бетда

### Аниқроқ айтганда...

... гап раҳбарларнинг вақтидан унумли фойдаланиш, игна билан битадиган ишларга жуводдиз суқийшдан тийилиш ҳақида борапти. Қолаверса, тузилмалар ва идоралар ўртасида қабулларни ташкил этиш бўйича яхлит, қатъий амал қилинадиган йўл харитасининг йўқлиги ҳам ишни пачава қилади.

Дейлик, республика бўйича барча вилоят раҳбарларининг сайёр қабул кунлари, вақтисоати аниқ белгиланса, ўша соатларга бошқа раҳбарлар томонидан селектор, йиғилишлар, ҳудуд айланишлар ташкил қилинмаса бўлади-ку! Йўқ. Жойларда ҳеч ишни аввалдан режалаштириб бўлмай қолди ҳозир. Ҳоким ўз секториде сайёр қабулни режалаштириб турган паллада, айтилиқ, ҳуқуматнинг бирор аъзоси селектор ўтказди. Хуллас, қуйида ишлаган ижро ҳокимияти раҳбарларининг вақтини тақсимлаш бўйича аниқ бир тизим йўқ.

Хуллас, зудлик билан қайта кўриб чиқиши керак бўлган жиҳатлар кўп, жудаём кўп...

Энди ўзингиз айтинг, юқорида гап бошлаганимиз — мана шунақа сайёр қабулларни оммавий ахборот воситалари ёзиши, кўрсатиши керакми? Шартми?

Шодмонкул ҒУЛОМОВ, журналист

## СУВ КЕЛТИРГАН — ЭЛДА АЗИЗ



Президентимизнинг вилоятимизга таширифи давомида вилоят аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 2022 йилга бориб 92 фоизга етказилиши, бунинг учун тақдим этилган лойиҳаларга халқроқ молия инсти-тутларининг маблағлари жалб этилиши маълум қилинган эди. Бу ишлар ҳозирданок жадаллаштирилмоқда.

Хусусан, Нурафшон шаҳрида ҳам сув келтириш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Ҳозирда "Қумариқ" маҳалласининг "Қумариқ" шоҳ, "Тошкент йўли", "Шабнам" ва "Ёшлик" кўчаларида ичимлик суви қувурлари ўтказилапти. Ҳисоб-китобларга кўра, маҳаллага 4,1 километрлик сув қувурлари ётқи-зилиб, 80 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

— Шаҳардаги ичимлик

◀◀ Бошланиши 1-бетда

суви тизимлари қурилиши ва реконструкцияси учун 13 млн. 800 минг сўм ажратилган, — дейди Нурафшон шаҳар "Сувоқова" филиали ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Иzzат Икромбоев. — Шу жумладан, "Тошкент йўли" кўчасининг шаҳар ҳудудидан ўтувчи қисмида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 7 256,6 млн. сўм ва қуввати 4 минг куб. метр бўлган оқова сув тозалаш иншооти ҳамда оқова сув қувури қуриш учун 41 млн. сўм маблағ йўналтирилган. Бугунгача 8,1 км. масофада чуқур қазилиб, шунинг 4,2 км.га қувурлар ётқирилди.

Шунингдек, "Обод маҳалла" дастури доирасида шаҳардаги "Чигирик", "Юксалиш" ва Ойбек номли маҳаллалар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ишлари бош-ланиш арафасида.

Отабек ИСРОИЛОВ

## МАҚСАД — ДАРОМАД ТОПИШ

демак, ҳаракат ҳам шунга яраша

Уни вилоятнинг энг яхши фермерларидан бири, дейиш мумкин. Ёши саксондан ошганига қарамай, деярли ҳар кунни далага чиқиб, барча агротехник тадбирларнинг пухта бажарилишини назорат қилади, ирригаторлар, механизаторлар, агрономлар билан суҳбатлар ўтказди.

— Фермер бўлиб, ўн етти йиллик йўлни босиб ўтдим, — дейди Т. Мирзакаримов. — Бу мавсум 85 гектар майдондан 320 тоннадан ортиқ сара бугдой қабул пунктларига етказиб берилди, бу шартнома мажбуриятларидан ортиб кетди, албатта. Энди барча эътибор пахта агротехникасига қаратилмоқда. 115 гектар майдонда пахтанинг "Порлоқ-4" нави ўстирилмоқда. Кузда камида 40 центнердан "оқ олтин" олишга умид бори-

◀◀ Бошланиши 1-бетда

лаганмиз. Мўл ҳосил етиштириш осон иш эмас, биласиз, сугориш, зарур минерал ўғитларни вақтида қўллаш керак. Биз илм-фан ютуқлари билан бирга отабоболаримиз тажрибасини бирлаштирган ҳолда, яхши натижаларга эришиб келаямиз.

Тиниб-тинчимас Тешабой фермер истиқболли лойиҳаларга сармоя киритиб, бошқа бизнес турларини ҳам муваффақиятли ривожлантирмоқда. Масалан, у замонавий тиббий диагностика марказини, бир нечта дўконлар ва умумий овқатланиш шаҳобчаларини очди. Ҳали олдинда ҳўжаликни кўп тармоқли асосда ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича катта режалар турибди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

### Оила ва жамият

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан Тошкент давлат аграр университетиде вилоятимизнинг 22 та туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби" тренерлари учун ўқув-машғулотни ташкил этилди.

## МУҚАДДАС ОСТАНА ОЛДИДАН...

Унда "Оила" маркази ходимлари, унинг ҳудудий бўлиномлари мутахассислари, соҳа экспертлари, инновацион мактаб тренерлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Семинар-тренингда мактаб тренерларининг илмий-назарий, маънавий-ахлоқий билимларини ошириш, оилавий қадриятлар ва аъналар йўналишидаги амалий ва инновацион тадқиқотлар билан та-ништириш, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бўлғуси келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича зарурий малака ва касбий компетенцияларини шакллантириш кўзда тутилган.

Хусусан, марказ томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар ёшларнинг тасаввурлари реал оилавий ҳаёт билан тўғри келмаётганлиги ва низоли вазиятларни ҳал қилишдаги билим ва малакалари етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Шу боис, оилавий муносабатлар бўйича сабоқ олишга эътибор ва қизиқишлар юқори.

Шуларни инобатга олиб, маҳаллий ва хорижий тажрибалар асосида Паркент туманида 2018 йил август ойида пилот сифатида "Бўлғуси келин-куёвлар инновацион мактаби" ташкил этилди ва бу тажриба ўзининг ижобий самарасини берди. Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда, туман ва шаҳарларда жами 96 та мактаб ўз фаолиятини бошлади. Уларда ўтган даврда 6 минг 282 та ҳуфтлик ёки 12 минг 564 нафар бўлғуси келин-куёв оилавий ҳаёт психологияси, ҳуқуқий муносабатлар, диний ва ахлоқий тарбия, оила бюджети ва иқтисодий ҳамада репродуктив саломатлик йўналишлари бўйича ўқув машғулотларда қатнашиб, сертификатларга эга бўлишди. Эндиликда ёшлар билан ишлашнинг замонавий усул ва услубларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш учун ушбу мактабнинг ўстоз-педагоглари билимининг янада ошириш устувор вазифалардан бирига айланди.

Умида МАНСУРОВА

## БЎЛАЖАК ҲАМШИРАЛАР МАСКАНИ

Президентимизнинг "Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва иш-ни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омили бўлмоқда. Бекобод тиббиёт коллежида энг илғор технологияларга асосланган ҳолда муолажалар ўтказиш, беморларни парваришлаш, лаборатория диагностикаси, она ва бола парвариши, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга доир зарур билимлар бўлғуси ҳамшираларга сингдирилмоқда.



Ушбу ўқув йилида коллежни бешта йўналиш бўйича 451 нафар ўқувчи та-момлади. Янги ўқув йилидан бошлаб

эса умумтаълим мактабларининг 11-синфини тугаллаган яна 450 нафар ўқувчини қабул қилиш режалаштирилган. Улар 2 йил давомида таҳсил олиб, малакали ўрта махсус тиббиёт ходимига айланишади.

Коллежда Президентимиз белгилаб берган 5 ташаббус доирасида бешта янги тўгарак очилди. Коллежнинг элликдан зиёд иқтидорли ўқувчилари вилоят микёсидеги кўрик-танловларда фаол иштирок этишди. "Йилнинг энг яхши битирувчиси" танловида Иномжон



вилоятининг 9 та тумани картош-ка етиштиришга ихтисослаштирилди.

Семинарда малакали мутахассислар томонидан фермер хўжаликлари раҳбарлари учун уруғлик навлари, экин парваришидаги зарурий агротехник тадбирлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Қолаверса, ерни тайёрлаш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиш

Бугунги кунда юртимизда 7 та картошқачилик маркази фаолият юритмоқда. Жумладан, вилоятимизда ҳам Бўстонлиқ картошқачилик маркази ташкил қилинган бўлиб, у ерда истеъмол ва сифатли уруғлик картошқалар етиштириб келинмоқда.

— Барча ҳаракатларимиз махсулотнинг юқори сифати ва ҳосилдорлигига эришишга йўналтирил-

апробациядан ўтган бўлиб, 10 йил мобайнида юздан ортиқ синов ва тажрибалар орқали энг яхши навлар танлаб олинган. Махсулотимиз асосан, тоғолди ҳудудларда жойлашган махсус даладаримизда етиштирилади.

Амалий семинар давомида картошқачилик экиш жараёни ҳам амалда кўрсатиб берилди. Замонавий техника орқали картошқа экиш жараёни кўпчиликини ҳайратлантирди. Механизаторлар семинар иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

— Картошқачилик йилдан йилга ривожланиб бормоқда, — дейди вилоят кишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Саъдуллаев. — Хусусан, Президентимиз томонидан картошқа етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари ва кишлоқ хўжалиги корхоналарида катта имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, 2018 йили импортёрлар томонидан етказиб берилган уруғлик картошқаларнинг аксарият навлари ҳудудларнинг иқлим шароитига тўғри келмагани ва бошқа омиллар сабаб, қўзланган ҳосил олинмади. Бу йил эса фермер хўжалиқларимиз ва бошқа кишлоқ хўжалиғи корхоналарида "Бўстонлиқ картошқачилик маркази" томонидан R1 синфидеги уруғлик картошқалар етказиб берилмоқда.

Зухриддин РАҲМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Шерзод ҚУБЕРЛОВ олган суратлар

◀◀ Бошланиши 1-бетда



бирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада дастуриламал бўлаяпти. Мазкур ҳужжатга кўра, Ўзбекистонда тупроқ-иклим хусусиятларидан келиб чиқиб, республикамизнинг 7



кишлоқ хўжалиғи техникалари ва зараркунанда ва касалликларга қарши қўлланиладиган кимёвий водиталар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

ган, — дейди "Agrover" МЧЖ директори ўринбосари Жаҳонгир Мелибоев. — Биз етиштирган уруғлик картошқа республикамиз тупроқ-иклим шароитига мослашган ва



# ВИЛОЯТ МАҲАЛЛАЛАР КЕНГАШИ ВА МУСУЛМОНЛАР ИДОРАСИ ВИЛОЯТ ВАКИЛЛИГИНИНГ МУРОЖААТИ

## Азиз ватандошлар!

Бугун яқинлашиб келаётган улуғ айём – Қурбон ҳайити байрами арафаларида барчамиз ўтган ота-оналаримиз, бобо-момоларимиз руҳларини шод этиб, улар ётган маконларини обод айлашга бел боғлашимиз ҳар биримизнинг ҳам инсоний, ҳам фарзандлик бурчимиздир. Бу, қолаверса, миллий, диний ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, аждодлар руҳи олдидаги масъуллиқ, виждон амрини чин юракдан ҳис этмоқ саодатидир. Зеро, солиҳ кишилар қўли билан обод этилган қабристонларни ибрат кўзи билан зиёрат қилиш ҳам аслида динимиз кўрсатмасидир.

Шу боис, биз кўпни кўрган нурунийлар, кайвонилар, маҳалла фаоллари, шижоатли ёшларимизга юзланиб, барча туман ва шаҳарлардаги қабристонларни тозалаш ҳамда ободонлаштириш учун ҳашарлар ташкил этиш ташаббуси билан муурожаат қилмоқдамиз.

Албатта, умдимиз борки, бу ташаббусга жавобан, имон-этиқодли фуқароларимиз, қўли очик ва саховатли тadbirkor-фермерларимиз

жойларда алоҳида ўрнатилган маънави кўрсаткичлар. Химмат камарини маҳкам боғлаб, қабристонларда ҳашарлар ташкил этиш ва аҳолини бу умумхалқ ишларида фаол бўлишга даъват этадилар. **Байрамолди дам олиш паллалари – шанба ва якшанба кунлари қабристонларда кенг омма иштирокида ҳашарлар ташкил этиб, бу билан барчамиз ҳам борадиган манзил-маконлар ободлигига, ҳам кўнгли мунавварлигига эришаёмиз!**

## Азиз дўстлар!

Мана шу мувожабат ва мунаввар кунлар қабристонларда фотиҳа, дуо қилиш учун очик ва ёпиқ айвонлар қуриш, дарвозалар ўрнатиш, эскирган ёдгорликларни таъмирлаш, қаровсиз қолган қабрлар усти, ён-атрофларини, ариқларни тозалаш, қабрларни суваш, ўтганларнинг руҳини шод этиб, Аллоҳ ризолигини топишнинг айна фурсатидир!

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) "Қабристонларни зиёрат қилинган, у сизларга охирагани эслатади", дея марҳамат қилганлар.

## ВИЛОЯТ МАҲАЛЛАЛАР КЕНГАШИ, МУСУЛМОНЛАР ИДОРАСИ ВИЛОЯТ ВАКИЛЛИГИ

## Ўзги таътил шукуҳи

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши Тошкент ҳарбий округи фахрийлар кенгаши ва Чирчиқ олий

танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти билан ҳамкорликда Бўстонлик туманида жойлашган "Тонг" болалар оромгоҳида "Биз – ватанпарварлармиз!" шиори остида маънавий-маърифий ва спорт тadbirkorлари ташкил этилди.



## «Биз – ватанпарварлармиз!»



Оромгоҳда дам олаётган болаларнинг кичик гуруҳларга бўлиниши ва ҳар бир гуруҳ билан давра суҳбати, савол-жавоблар ўтказилди. Гуруҳлардаги жараёнлар тугагандан сўнг шу ернинг ўзида "Ватанпарвар" ташкилоти Фазалкент ўқув спорт техника клубининг спорт инструкторлари томонидан

ҳозирлаб қўйилган ҳаво милтигидан "Ўқ отиш" спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Тadbirkor давомда шу ернинг ўзида Мудофаа вазирлигининг давлат музейи ходимлари томонидан келтирилган экспонатлар кўргазмаси намойиш этилди. Болаларлар уларни томоша қи-

лиш, ҳарбий кийимларни кийиб кўриш билан бирга, экспонатлар тарихи билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлишди.

Тadbirkorнинг иккинчи қисми Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртида давом эттирилди.

Ўз мухбиримиз

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидаги Тошкент вилояти "TURON" ахборот-кутубхона маркази таркибидаги туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларига бўлим мудири, етакчи кутубхоначи, етакчи мутахассис, кутубхоначи лавозимларига мутахассислар қабул қилиш**

## Танловини эълон қилади

| т/р | Хизматлар номи                                             | Эълон қилинган иш ўринлари сони |
|-----|------------------------------------------------------------|---------------------------------|
| 1   | Методика-библиография бўлими                               | 44                              |
| 2   | Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш ва рўйхатга олиш бўлими  | 110                             |
| 3   | АКТ бўлими                                                 | 44                              |
| 4   | Китоблар билан тўлдириш ва адабиётларга ишлов бериш бўлими | 44                              |
| 5   | Болалар адабиёти бўлими                                    | 44                              |

**Иш ҳақи:** тасдиқланган штатлар жадвали асосида белгиланади.

## ДИҚҚАТ!

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни 2019 йилнинг 27 июлидан 17 августга қадар топширишлари мумкин:**

- директор номига ариза;
- маълумоти ҳақидаги диплом ва сертификатлар нусхаси (асли суҳбат куни тақдир этилади);
- маълумотнома сўровнома;
- 1 донга 4,5х6 ўлчамли фотосурат;
- паспорт нусхаси.

Танловга тушган барча ҳуж-

жатлар олдиндан ишчи комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Танлов суҳбати Ш. Рашидов номидаги Жиззах вилояти ахборот-кутубхона марказида ўтказилади.

Танловни ўтказиш муддати: 2019 йил 19 августдан 30 августга қадар.

**Танловда қатнашувчи номзодларга қўйиладиган**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Оханграбо кўчаси, 1-уй. **Мўлжал:** Панельный бозорчаси. **Маълумот учун телефонлар:** (71) 280-13-75, (71) 280-13-62.

## Эълон

**"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

Очиқ аукцион савдосига АТ "Халқ банки" Чиноз филиалининг 22.07.2019 йилдаги №09-02/59-сонли буюртманомасига асосан ўз тасарруфида бўлган Тошкент вилояти, Чиноз тумани, "Ёллама" МФЙ, Охунбобоев Ф/У да жойлашган умумий майдони 66.10 кв.м., бошланғич нархи - 15 000 000 сўм бўлган 14-2650-сонли касса биносига қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 26 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 26 август куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, так-

рорий савдолар 2019 йил 10. ва 25 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли "Халқ банки" филиали вакиллари иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимининг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО 01132. СТИР 304 802 952.

## Касаба уюшмалари ҳаётидан

Бир кишининг кўнглини шод қилмоқ ҳам катта савоб саналади. Бу ташкилот ходимлари кўплаб жамоаларнинг манфаати ва ижтимоий ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб келмоқдалар.

## САВОБ ИШНИ ҲАР КУН ҚИЛИШ КЕРАК...

Аслида, юртимизда фаолият кўрсатиб келаётган жамоат ташкилотлари кўп. Лекин, уларнинг орасида Касаба уюшмаларининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда касаба уюшмалари сайёҳаракати билан республика миёнда иш бевуви ва ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, икки томонлама тузилган шартномаларнинг ижросини таъминлаш ва мувофиқлаштириш, корхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, даромадларини ошириш орқали ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, энг муҳими, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш бўйича изчил тизим яратилди.


Буни Чиноз тумани агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари кенгаши томонидан амалга ошириб келинаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун ушбу ташкилот ўз сафига 6 минг 700 дан ортиқ кишини бирлаштирган. Улар орасида фермер ва деҳқон хўжаликлари ходимлари, касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва талабалари, саноат корхоналари, ташкилот ҳамда муассасалар жамоалари бор.

Аъзоларимизнинг барча жабҳадаги ҳуқуқ ва манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади, – дейди кенгаш раиси Одилхон Акбаров. – Бу оддий тушунча эмас. Бунинг замирида ташкилотларда тузиладиган икки томонлама меҳнат шартномаларини тўғри расмийлаштиришдан тортиб, унинг ҳар бир бан-

ватлаш масаласи алоҳида ўрин тутарди. Масалан, 2018 йилда кенгаш ташаббуси билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кўмағида тумандаги бешта кам таъминланган оила янги уйга эга бўлди. Улар орасида Пахта қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Раъно Суярова ҳам бор. Бугун у қизи ва уч нафар невараси билан барча қўлайликларга эга уч хона-ли уйда яшамокда.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари маблаглари ҳисобидан ҳудуддаги ёш оилаларга уй тиклаш учун қурилиш материаллари, маиший техника ва зарур буюмларни сотиб олиш учун фойсиз кредитлар беришда кўмаклашилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 67 нафар ёш оила вакиллари ана шундай имкониятдан фойдаланди. Шунингдек, ташкилот томонидан 2019 йилнинг ўзидан 16 нафар касаба уюшмаси аъзоларига имтиёзли равишда санаторий йўлланмалари олиб берилди. Кам таъминланган оилаларга 700 туп меваги дарахт кўчатлари бепул тарқатилди. Бугун ўқувчи фаоллик кўрсатган механизаторлар уюшманинг махсус совғалари билан рағбатлантириб берилди.

Ҳар бир соҳада ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади, дейишади. Ай-тиш кераки, бир неча йил давомида вилоят меҳнат биржасида бош мутахассис бўлиб ишлаган, фақулдада вазиятлар бўлимини бошқарган ва туман ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўлимида фао-



ди ижросини таъминлашга бўлган вазифалар ўз ифодасини топган. Шу мақсадда барча ишларимизни олдиндан режалаштирамиз, белгиланган вазифаларни фаоллар ўртасида тақсимлаймиз ва жавобгарлик йўналишларини белгиллаб, ҳаракатларни мувофиқлаштирамиз. Бу ҳар бир жамоадаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш орқали кўзланган мақсадга эришишнинг энг самарали усули эканлигини амалиёт исботлади.

Дарҳақиқат, туман агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари кенгаши ўз фаолиятини ваколати доирасида кенгайтириб бор-

моқда. Бунда ишчи-ҳодимларни ижтимоий қўллаб-қув-

лият олиб борган Одилхон Акбаров ташкилот раислигига сайланган, агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари кенгашининг фаолияти янада ривожланди. Мана, етти йилдирки унинг номи соҳанинг жонқуярлари сафида тилга олинади. Бу ҳам бир давлат, аслида.

Дарвоқе, Одилхон ака рафикаси, тажрибали ўқитувчи Соҳиба Акбарова билан икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб вояга етказишди, ҳозирда улар етти набиранинг севилиги буважон ва бувижонлари.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири  
Х. УБАЙДУЛЛАЕВ  
олган сурат

Оила мустаҳкам бўлса, жамият ҳам осойишта бўлади. Бахтли оилалар билан бахтиёр жамият шаклланади.

Шу боис, давлатимиз томонидан оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тadbirkorлар амалга оширилмоқда.

## БИР КЕЛИННИНГ КЕЧИНМАЛАРИ

мана шу нозик мавзунинг кўтаришга туртки берди

Баъзи оилалардаги келишмовчилик оқибатида содир бўлаётган жанжал-тўполонларнинг аксарияти қайнота ва қайнона-келин муносабатларидан келиб чиқмоқда. Баъзи қайноталар кейинги пайтда ўта "майда-лашиб" кетмоқда. Қайнота келиннинг ҳамма нарсасига, ҳатто супур-сидирига қадар аралашиб қолаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Натижада, оилаларда муҳит бузилмоқда. Ана шундай оилаларни муроасага келтириш, ажрим ёқасига келиб қолган оилаларни яраштиришга бош қўйиш асосида баъзи бир ҳолатларни кўриб, ёқа ушлаймиз...

Қариларимиз, келин олиш осон, қайнона-қайнота бўлиш қийин, дейишган. Яна, келинга меҳр берсанг, меҳр кўрасан, деганлар.

Турмушга чиққан келин учун ҳам янги бир ҳаёт бошланади. Турмушим ширин ва осойишта бўлсин, деган келин эрининг уйига, унинг ота-онасига, жигарлари ва қариндошларига меҳр қўяди. Уларга ҳурмат кўрсатиши, уй юмушларидан эринмаслиги, саранжом-сарихталиги ва пазандалиги билан тушган хонадондагиларнинг меҳрига сазовор бўлиши керак.

Келинни олгандан кейин қайнота ҳам отага айланади. Келин эса унга қиз ҳисобланади. Баъзи хонадонларда на динимизга, на урфимизга тўғри келмайдиган ҳолатлар бўлаётганини эшитаямиз. Қайнота келин билан муомалада жуда эҳтиёт бўлиши талаб этилади. Келин бор хонага руҳсатсиз кириб бўлмайди, шариатимиз нафақат келин бор, балки, ота-она, ака-ука, опа-сингил бор хонага ҳам ижозатсиз киришликдан қайтаради.

Яқинда бир келинчак келиб, шундай ҳасрат қилиб қолди: "Бирор иш қилаётганимда, ёки ҳаммомда кир юваётганимда қайнотам ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз кириб келаваради. Мен бунини турмуш ўртоғимга айтсам, ўзимни уришади. Айтмасам, қайнотам билан ора-

даги ҳаё пардаси кетиб қолмоқда. Баъзан йиғлайман, ҳатто кўча супура олмай қолдим. Эрталабдан кечгача сўрида ўтириб олиб, у ёққа ўтсам ҳам, бу ёққа ўтсам ҳам қарайдилар. Хи-жолатдан на кир юва оламан, на ховли супура оламан. Ахир, қайнота келиннинг олдида ўзини бундай тутиши керак эмас-ку?"

Минг афсуслар билан айтмики, баъзи бир қайноталар борки, келин олдида беҳаё гапларни гапираваради. Келиннинг нафсониятига тегадиган хунук гаплардан ҳам тийилишмайди. Бу билан қайнота ўзини-ўзи келин олдида ер билан яқсон қилмаяптими? Қайнота ўз салобати билан ўтириши, юриш-туришда барчага ибрат бўлиши керак эмасми?

Келиннингиздан кўзингизни эҳтиёт қилинг. У сизга қиз. Тўғри, мусулмон одам ёмон назар қилмайди, лекин куйидаги ҳади-с

га эътибор беринг. Ибн Аббос (р.а.) Расулуллоҳга: "Менинг ҳузурида иккита синглим бор, уларни таъминотини мен қиламан, улардан ҳам изн сўраб қираманми?" деганларида, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Албатта, чунки улар ноқулай ҳолатда бўлиши мумкин, уларни хи-жолатга қўйма", дедилар.

Қарангки, ўзининг опасинглиси бўлса ҳам ижозат сўрамагандан киришга одамнинг ҳақи йўқ экан. Азизлар, бу Ислон маданияти. Қуръон ва ҳадис ўргатган маданият, бу Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўргатиб кетган маданият. Биз фақат унга амал қилишимиз керак, холос.

Тўғри, келинларимиз ҳам хато қилади. Овқат пиширишни ўхшата олмаслиги, баъзи юмушларни рисоладагидек бажаролмаслиги мумкин. Ана шунда қайнота-қайноналар ҳам ота, ҳам она бўлиб, чиройли панд-насихат билан йўл кўрсатса, турмуш мустаҳкам, оила фаровон, ёшлар эса, шубҳасиз, бахтли бўлади.

**Қамариддин ҚАМБАРОВ,**  
Янгийўл туманидаги  
"Усмон Зуннурайн" жоме масжиди имом-хатиби



## ПАРКЕНТДА «КИШМИШ» ПИШДИ



## Пишиқчилик

Боғбонларнинг маза қилиб дам оладиган, хордиқ чиқарадиган дамлари бошланди. Бу қандай гап, айни иш қизиган паллада-я, дейишга шойилманг. Боси, болга тўлган боғлар, ҳосилини кўз-кўз қилиб турган ишқомлар ўз соҳибининг мавсум бўйи тортган захмату чарчоқларини бир зумда аритиб юборади...

Ўз фаслининг айни "чилла" палласида Паркент туманидаги "Бўстон Агро" агрофирмасига қарашли тоқзорларда ҳам узумнинг "кишмиш" нави ҳам пишиб етилди. Бўстон кишлогининг бепоён тоқзорлари оралаб, оила

аъзолари билан узум узаётган Рашид Жумановнинг ҳосилдан кўнгли тўқ. У "Болтабоев Дилмурод" фермер хўжалигининг аъзоси. Бундан 5 йил муқаддам бу ер майдонлари ташландик, қаровсиз ётарди. Ярим гектар ер тозаланиб,

ишлов берилди. "Кишмиш" нави узумдан 400 туп экилди.

– Паркентимиз Яратганнинг назари тушган гўшалардан бири, – дейди у. – Кўкламда ерга чўп қадасангиз, куртак ёзади. Дехқондан биргина таллаб – ҳалол меҳнат қилиб, бу шароитларни, тиллога тенг тупроқни қадрига етса, бас. Меҳнатларимиз зое кетмаганлигини узумимиздан татиб кўрсангиз биласиз. Таъми оғзингизда қолмаса, мана, биз қафил.

Шухрат ЭРКАБОВ  
Зиёвуддин ХОЛИҚОВ  
олган сурат

## Маърифий кеча

Куйичирчиқ туманида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда "Маърифат" тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигида "Ободлик – кўнгилдан бошланади" шиори остида маърифий тадбир ўтказилди.

Мазкур тадбир давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббусни кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Шу кунни психолог Жамила Шермухаммедова "Жамиятнинг маънавий қиёфаси" мавзусида маъруза қилди. Тадбирда одамларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, дахлдорлик ҳиссини ошириш, ватанпарварлик туйғусини кучайтириш ва аёлларнинг оиладаги ўрни тўғриси-



да сўз борди. "Ўзбекконцерт" давлат муассасасининг бош мутахассиси Матлуба Маҳмадова "Инсоннинг руҳий ка-

молотида бадий асарларнинг ўрни" мавзусида ёшлар билан мулоқот ўтказди. Таниқли киноактёрлар Эгамберди Раҳимов ҳамда Хушнуд Сайфуддинов мастер-класс уюштиришди.

Тадбир давомида "Болаларга маърифат улашиб" акцияси ҳам бўлиб ўтди. Унда болажонларга турли қизиқарли китоблар тарқатилди. Шунингдек, эстрада хонандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар йиғилганларга хушқайфият улашди.

Бундай лойиҳалар "Маърифат" тарғиботчилар жамоаси томонидан сентябрь ойи охирига қадар давом эттирилади.

Лобер ХАЙРУЛЛАЕВА

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 26 июль кун Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-24, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 22-27, кундузи 36-41 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Баъзи жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучайиши мумкин. Кечаси 15-20, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

БОЛАЛАРИМИЗНИ  
АСРАЙЛИК

Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни турли фалокатлардан асраш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган. Бу ҳақда жуда кўп гапирилган, ёзилган ва ҳамон бу мавзу кун тартибидан олинган йўқ.

## Эҳтиёт шарт!



Нега ва нима учун, деган савол кишини ўйлантиради. Фарзандларимиз шунчалик гапга тушумас, ўз билганича иш тутадиган бўлиб бораётганини ёки биз, катталар уларнинг кўнглига йўл тополмаяпмизми? Назаримизда, аксариятимиз рўзгор ташвишлари билан бўлиб, фарзандларимизга етарлича вақт ажрата олмаёпмиз.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2019 йилнинг ўтган даври мобайнида виллоятимизда болалар билан боғлиқ 45 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Таассуфки, уларда 8 та бола ҳаётдан кўз юмди. 37 та бола турли даражадаги тан жароҳати олди. Уларнинг кўпчилиги бир умрга ногирон бўлиб қолди.

Бу каби аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш ва қўламли тарғибот ишларини олиб боришимиз керак.

Ҳозир мактаб ўқувчилари таътилда. Жорий йил виллоятимиз ҳудудида жами 43 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи ишламоқда. Уларнинг 33 таси Бўстонлик туманида жойлашган. Барча оромгоҳларга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилган. Улар томонидан аниқ режа ва таҳлиллар асосида тарғибот-ташвиқот олиб боришмоқда. Болалар иштирокида турли тадбирлар, кўрик-танлов ҳамда йўл ҳаракати қоидаларига оид мусобақалар, савол-жавоблар ўтказилаётир.

Рустам АСҚАРОВ,  
виллоят ИИБ ЙҲХБ  
катта инспектори

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Бош муҳаррир  
Файрат  
ШЕРАЛИЕВ

Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

## Манзиллимиз:

111500, Нурафшон шаҳри,  
Тошкент йўли кўчаси, 90.

Тошкент шаҳридаги  
офисимиз:

100000, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

## Телефонлар:

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари:  
Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:  
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)  
(71) 233-70-10  
(71) 233-90-82  
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Электрон почталар: thaqiqat@uamail.uz /// th-tp@inbox.ru

## (Ҳикоя)



римга раво кўрдим-а", деб энди айтиб-айтиб йиғламоққа чоғланди...

Ўшанда Содир чол айни навиқорон ёшда эди. Олисроқ қишлоқдаги тўйдан ярим тунда ширакайф бўлиб қайтаётиб чангалзор буталар орасида чақалоқнинг йиғлаётганини эшитди. Парво қилмай йўлида давом этмоқчи бўлди. Бу ерда ярим тунда чақалоқ нима қилади, деган хаёл миясини кемира бошлади. Аммо, чақалоқ жуда ақин ерда аллақандай кучли озордан астойдил чиқариётганидан бирдан хушёр тортиди. Овоз келаятган томонга қараб шаҳдам одим ташлади. Опоқ йўргакча ўралган гўдак атрофдаги катта-кичик кемирувчиларни дарҳол илғади. Катта одам қадамнинг товушидан бир зумда кемирувчилар ҳар тарафга тум-тарақ бўлиб кетдилар. Содир чақалоқни маҳкам бағрига босганича қишлоқ томон кетиб борар, гўдак ҳимояда эканини идрок этгандек энди чинқириб йиғламаса, ахён-ахён да хўрсиниб кўярди.

Содир ҳеч иккиланмай эрта тонгда дўсти Таслимнинг дарвозасини қокди. Дарвоза ортида туриб бу хонадонга бир овунчоқ, қолаверса, битмас-туганмас бахт келтирдим, деб ўйлади. Ўн беш йилдан буён бир тирноққа зор бўлиб яшаётган

## Шанба мутолааси

эр-хотинга бу Худонинг инояти бўлди, деб қувонди.

Эрталабки насибага умид боғлаб дарвозани ланг очган Таслим ҳам, унинг аёли Ҳадичабону ҳам бегуноҳ ташландиқ болани иссиқ бағирларига олишди. Ҳадичабону норасидани бағрига босаётиб бутун вужуди олов бўлиб ёнди: "Наҳот, шу бола энди меники бўлса, кун ўтиб онаси излаб келмаса эди", деган хавотирда йиғлади.

– Ростан шундай бўлса-чи, – деган таҳликада Таслим ҳам дўстининг кўзларига умидла тикилди. – Излаб келмайди, – қатъий ишонч билдирди Содир. – Мен эшитиб қолиб, уни ҳимоямга олмаганимда эрталабгача каламушларга еи бўлиши аниқ эди.

Кейин, кейин... Ҳадича болани кўздан кечириётди кўрқиб кетди. Чап қуллогининг юмшоқ ери қолмаган, ундан оққан қон бўйни аралаш оқиб қотиб қолганди.



Собиржон ИНОМОВ,  
ёзувчи

ман, тайёргарлик кўринлар, – деди.

Кўшни қишлоқдаги шифохонада тунги наватчиликни ўтказётган Саломат ҳамширани рози ризолексиз ўғирлаб келганида ҳам бечора ота-она танг аҳволда қолиб, сочларига бир кундаёқ оқ тушганди. Қизгина қишлоқда номуссиз деган иснодан кўриб, шу Султон безорига тегишга мажбур бўлди. Бу қизгинанинг бошида ҳали ўн беш йиллаб бева юриш қисмати ёзилган экан. Эри гиёҳвандларга қўшилиб, қора дори савдоси билан шуғуллангани учун узоқ муддатга қамалиб кетди. Саломат келин тарбияли хонадон қизи эди. Жабр-дийда қайнота-қайнонасини ташлаб кета олмади. Уларга кексайганида суянчиқ бўлай деди. Хар кимнинг гапига қулоқ осмади, кўрпачи кўтариб ота уйига кетиб қолмади.

Қамоқ ҳам Султонни тузатмади. Тарбиясиз бола энг аввал ўзини боқиб катта қилган ота-онасини хўрлади, тупроқ билан тенг қилди. Орқаваротдан ҳабар топган Содир дўсти Таслимниқига бора олмади. Таслим ҳам чидай олмади:

– Содир, сен бизга чангалзордан бола эмас, бола қиёфасидаги шайтонини олиб келган экансан, – дея эзлиб-эзлиб ёзгирди.

Содир чол пўстлоғи шилинган терак бўлида қанча ўтириб билмайди. Қилидаги чит белбоғ кўзёшидан хўл бўлган, атрофга аллақачон тун ўзининг қора чойшабини ёпиб улгурганди.

– Бобо, нега бу ерда ўтирибсиз? Сизни роса ахтардик.

– Нега ахтарасизлар, уйда бир гап бўлдимми? – хавотирда сўради чол.

– Йўғ-э, Худо асрасин, қўшни қишлоқдаги ўртоғингиз Таслим бобонинг невараси Рустам ака келди. Отасини бир хафтадирки қидиришаётган экан. Сувдан топилибди. Эртага тонгда жанозаси экан. Хабарлаб кетди.

Содир чол қушдек енгил ҳолатда ўрнидан турди. Унинг хурсандчилигини ҳам, пушаймонлигини ҳам билиб бўлмас эди...